

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 3-noyabr • Seshanba • 129 (30.089) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати макроиктисодий барқарорликни ва ялпи ички маҳсулотнинг мустаҳкам равишда юқори суръатларда ўсишини таъминлашга, модернизация, диверсификация қилинган ва рақобатбардор иқтисодий шакллантиришга, аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдин олиш ва бартафайтиш бўйича 2009-2012

йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалда рўйбга чиқариш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетиде ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга, банк ишларини такомиллаштириш, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг роли ҳамда аҳамиятини ошириш, фермерлик ҳужалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хизматлар кўрсатиш соҳасини ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг муҳим омилли сифатиде касаначиликни рағбатлантиришга қаратилган узоқ муддатли, ўзаро ҳамбарчас боғлиқ чора-тадбирларнинг кенг комплексини рўйбга чиқариш назарда тутилган. Унда қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, шунингдек, қишлоқларда аҳоли турмуш сифатини тубдан яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилган.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва «Шарқ тароналари» VII халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик тадбирлари доирасида қўрна ва навқирон Самарқанд шаҳрида кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар дарвозалари ҳисобланган Самарқанд темир йўл вокзали ҳамда Самарқанд халқаро аэропорти бинолари янги қиёфа касб этди.



## САМАРҚАНД ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

— Самарқанд халқаро аэропорти 1999 йили реконструкция қилиниб, қатор қулайликлар яратилганди, — дейди Самарқанд халқаро аэропорти директори Алишер Шамсидинов. — Замон ўзгармоқда, тараққий этапти. Шу сабабли шаҳарнинг бош дарвозасидан бири ҳисобланган аэропорт биносини таъмирлашга эҳтиёж тутилганди. 2009 йилнинг май ойидан бошланган реконструкция ишлари «Ташги-рогор» лойиҳалаш институти томонидан тақдим этилган лойиҳа асосида амалга оширилди.

«Бектемир темир бетон маҳсулотлари» Ўзбек-Турк қўшма корхонасининг юзлаб ишчи-хизматчиларининг меҳнати боис аэропорт биноси янада чирой очди.

Айни кунларда бу аэропорт орқали ҳафтасига 14 та халқаро ҳамда 6 та маҳаллий йўналишлар бўйлаб йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатилаяпти.

Абдували ХУДОЁРОВ



## ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

ҲАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

31 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир округ сайлов комиссиялари раисларининг миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти борасидаги билимини янада ошириш, шунингдек, округ сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини тўғри ташкил этиш, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий амал қилиш, уларнинг олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш

мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинар-кенгашини очар экан, мамлакатимиз парламентида ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов миллий сайлов қонунчилигини, унда белгиланган очқоқлик, ошқоралик ва ҳолислик тамойилларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича концепцияга қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларига ўтган давр мобайнида мазкур Концепция асосида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда)

### Долзарб мавзу!

## ГАЗНИНГ МЕҲНАТИ, ҚАДРИ ВА ҲАҚИ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Бўстонлик туманидаги Қоранқул қишлоғи ҳам тўла газлаштирилди. 606 та хонадонга газ қувурлари тортилди. Гугурт қақилиб, газ очғич буралса бас, аланга ловуллаб, дам ўтмай қозон қайнайди.

Тонг саҳарда келин беш дақиқа ўтмай, чой дамлаб келганида, бутун умри ўчоқ титқилаш, самовар оташхонасини кавлаш билан ўтган Саври хола Аллоҳга шукроналар айтади.

— Ниҳоят орзуларимиз ушалди, — дейди у. — Газ — бу бир мўъжиза экан, юмушларимиз енгиллашди, турмушимиз яхшиланди. Шундай шароитни яратиб берган ҳукуматимизга раҳмат. Шу ишларнинг бошида турганлар омон бўлсин. Газчиларимизга минг раҳмат.

Мустақиллик йилларида республикамиз шаҳар ва қишлоқларини тўла газлаштириш учун катта куч-ғайрат сарфланди. Фақат Тошкент вилоятининг ўзида газ таъминоти-



ни яхшилаш, чекка қишлоқларни газлаштириш мақсадида миллиард-миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Давлатимиз раҳбарининг фармонлари ва қарорлари асосида кейинги йилларда ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг

ўтган ойлари мобайнида қанчадан-қанча масофада янги газ тармоқлари барпо этилди. Бугун қайси вилоят, туман ёки қишлоққа борманг, газчилар қизгин меҳнат қилишаётганлигига гувоҳ бўласиз.

(Давоми 2-бетда)

### Хушхабар

Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ўтаётган Епик иншоотлардаги III Осиб ўйинларида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этмоқда.

### ОЛТИН МЕДАЛЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, енгил атлетиканинг баландликка сакраш баҳсларида ҳамюртларимиз Надежда Дусанова 1,93 метр натижа қайд этиб, терма жамоамиз газнасига ilk олтин медални келтирди. Леонид Андреев эса лангарда сакраш баҳсида 5,60 метр натижа кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди. Узунликка сакраш баҳсларида муваффақиятли иштирок этган яна бир спортчимиз Юлия Тарасова кумуш медал билан тақдирланди.

Байрам АЙМУРОДОВ, ЎЗА мухбири.

## САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

изчил давом этмоқда

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясида журналистлар учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Сайлов комиссияси раиси Жамолiddин Шоҳимов сайловларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш юзасидан шу вақтга қадар шаҳарда олиб борилган ишлар юзасидан ахборот берди.

У шаҳар сайлов комиссияси шу йилнинг 30 сентябрь кунидан ўз фаолиятини бошлаганини таъкидлади. Шаҳар сайлов комиссияси қонунда белгиланган ваколатлари доирасида ўз ишини изчил олиб бормоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов округи тузилди. Ҳар бир округ бўйича сайловчиларнинг ўртача

сони 22 минг беш юз нафарга тўғри келмоқда. Кўпи билан 11 кишидан иборат бўлган округ сайлов комиссияларининг таркиби ҳам тасдиқланди. Шу йилнинг 19 октябрдан улар ҳам ўз фаолиятини бошлади. Шаҳар ҳудудида жами 653 та сайлов участкаси ташкил этилди. Тошкент шаҳри бўйича Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар ҳам ушбу участкаларда ташкил этилади.

Шаҳар сайлов комиссиясига мамлакатимизда фаолият бошлаганини таъкидлади. Шаҳар сайлов комиссияси қонунда белгиланган ваколатлари доирасида ўз ишини изчил олиб бормоқда. Шаҳар сайлов комиссиясига маълумотларни қўйиб берилган. Уларга сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишмоқда.

Тошкент шаҳар Кенгаши сайловида иштирок этиш юзасидан мурожаат қилдилар. Уларга сайловларда иштирок этишга руҳсат берилди.

Очиқлик ва ошқораликни таъминлаш ҳамда олиб борилаётган ишлар ҳақида сайловчиларни ўз вақтида хабардор қилиб бориш мақсадида шаҳар сайлов комиссияси қошида матбуот гуруҳи ташкил этилди. Шунингдек, сайлов комиссияси раиси ва аъзоларининг қабул қилинган белгиланди. Уларга сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишмоқда.

Асли КАМОЛ

### ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 3 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*

1 Австрали доллар	1360,56	1 Польша злотийси	521,51
1 Англия фунт стерлинги	2477,24	1 СДР	2392,07
1 Дания кронаси	298,64	1 Туркия лираси	998,37
1 БАА дирхам	409,65	1 Швейцария франки	1472,59
1 АҚШ доллари	1504,55	1 Евро	2235,85
1 Миср фунти	274,95	10 Жанубий Корея вон	12,71
1 Исландия кронаси	12,01	10 Япония иенаси	166,80
1 Канада доллари	1396,07	1 Россия рубли	51,79
1 Хитой юани	220,39	1 Украина гривенаси	188,07
1 Малайзия ринггити	439,28		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ**

3

**СОҒЛОМ ҲАЁТ — СОҒЛОМ ЗУРРИЁТ**

4

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT**

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

# ГАЗНИНГ МЕХНАТИ, ҚАДРИ ВА ҲАҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳоли хонадонлари, корхона, ташкилот ва муассасаларга узлуксиз газ етказиб бериш учун мамлакатимизда яхлит таъминот тармоғи барпо этилган. Буни тасаввур этиш учун мамлакат газлаштириш корхоналари 13 миллион километрдан зиёд узунликдаги газ қувурларидан фойдаланаётганлигини айтиш kiffoя. Аслини олганда, мамлакатимизнинг барча минтақалари яхлит газ тармоқлари билан қамраб олинган. Уларда газ ёзин-қишин бирдек «оқиб» туришни таъминлаш таъминотчиларнинг асосий вазифаси. Бунинг учун тармоқни модернизациялаш, янги техника ва технологияларни жорий этиш бўйича йирик-йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда газ қазиб олиш, ундан саноатда ва коммунал хўжалигида кенг фойдаланиш бошланганига 50 йилдан ошди. Аммо мустақиллик йилларидагина ўз табиий бойликларимизни эмин-эркин тасарруф этиш, бу бебаҳо табиий неъматдан тўла баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Эндиликда ундан нафақат ишлаб чиқариш ва коммунал хўжалигида, балки хорижда экспорт қилишда ҳам фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва сый-ҳаракати билан мамлакатимизда «Ўзнефгаз» Миллий холдинг компанияси ташкил этилди. Эндиликда кон-қидирув ишларидан тортиб, уни қазиб олиш, ички ва ташқи истеъмолчиларга етказиб беришгача, бу жараёнларнинг низоҳатда пухта ўйланган илмий-техник ҳамда технология асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишгача бўлган барча ишларнинг ягона тизими амал қилмоқда.

Албатта, бу жараён энгил кечмаётир. Турли геологик шароитларда янги-янги захираларни қидириш, ўзлаштириш ва янги магистраллар барпо этиб, уларни ягона тармоққа туташтириш осон эмас. Табиий-иклим ва геологик шароитлар мураккаб минтақаларда бургулаш ишларини бошлаш, захираларни ўрганиш ва башоратлаш, конларни ишга тушириш йирик ва қimmatбaho иншоотларни қуришни тақозо этади. Табиийки, буларнинг ҳаммаси газ таннархига ўз таъсирини кўрсатмаслиги мумкин эмас.

Шуларни ҳисобга олиб, мамлакатимизда газ-қидирув, конларни ўзлаштириш, истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш имконини берувчи истиқболли миллий дастур амал-

га оширилаётир. Бу ишларга давлат катта миқдорда сармоя ажратмоқда, чет эл инвестицияси жалб этиляпти. Шунинг айтиш kiffoяки, қисқа фурсатда тармоқни ривожлантириш мақсадида 1 триллион 860 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шу ҳисобдан фақат Помук конининг ўзида компрессор станцияси, янги технологик агрегатлар, Зеварда ва Шўртан конларида янги қувватлар ишга туширилди. Янгидан 37 та газ қудуғи барпо этилди, умумий узунлиги 256,1 километрга тенг янги газ магистрალი фойдаланишга топширилди.

Мамлакатнинг шимоли-ғарбида янги конлар топиляпти. Бу жараён динамик барқарорлик касб этди. Чунончи, 2006 йили — 5 та, 2007 йили — 8 та, 2008 йили — 10 та кон очилди. Ҳозир бир қатор минтақаларда газ қидирув ишлари давом эттириляпти. Янги қудуқлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Натижада ўтган йили газ қазиб чиқаришнинг ўсиш суръати 103,7 фоизни ташкил этди.

Бугун мамлакатимизда «ИГИРНИГМ» «ЎзЛИТнефгаз» очик акциядорлик жамиятлари сингари йирик илмий марказларнинг олимлари тармоқни мажмуавий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини жаҳон андозалари даражасида ҳал этиш устида қизгин изланишлар олиб беришаётир.

Академик Обид Ақромхўжаев яратган илмий мактабда иқтидорли олимларнинг навқирон авлоди муносиб ўрин эгалламоқда. Натижада янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш мuddатлари қисқаряпти. Биргина сўнгги уч йилда соҳада янги техника бўйича 239 та тadbир амалга оширилди. Бу тармоққа 78,4 миллиард сўмликдан зиёд иқтисодий самара келтирди, 6 миллиард сўмликдан зиёд ҳажмдаги техника-иқтисодий ва моддий-техник ресурслар тежаб қолинди. Бу илмий-техник изланишлар, ҳеч



шубҳасиз, газ қазиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айни пайтда шунинг таъкидлаш жоизки, 2005-2008 йиллар оралиғида ишлаб чиқаришга 41 та иxtиро, 842 та рационализиаторлик тақлифи жорий этилди.

Чунончи, иxtирочилик самарадорлиги 2005 йилги 2,81 дан 2008 йил охирига келиб, 4,49 миллиард сўмга етди. Рационализиаторлик тақлифларини жорий этишдан қўрилган фойданинг салмоғи шу мuddатда

1,43 дан 22,35 миллиард сўмга кўтарилди. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз нефть ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришнинг барча босқичларида ишлатиладиган материалларни мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариш тoбора кенгайиб бормоқда.

Шунингдек, кон ва қайта ишлаш корхоналари, газ магистраллари ҳамда газлаштириш идораларида ишлаш учун ёш ишчи-хизматчилар, малакали мутахассислар тай-

ёрлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Урганч ва Қўнғирот нефть-газ саноати касб-хўнара коллежлари ташкил этилди. Бухоро ва Фарғонадаги коллежларда йигит-қизлар 11 ихтисослик бўйича ўқитилмоқда. Мамлакатимиз ва хориждаги олий ўқув юртларида шартнома асосида юзлаб талаба билим оляпти. Тармоқ ўқув марказларида ҳар йили минглаб ходим қайта тайёрлардан ўтказиляпти.

Бу сый-ҳаракатларнинг барчаси тармоқ барқарор ривожланиб боришига етарли асос яратаяпти.

— Лекин...  
Биз Тошкент вилоят газлаштириш идорасида бўлиб, мана шу «лекин...» билан боғлиқ муаммолар хусусида суҳбатлашдик. «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси томонидан аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга етказиб берилган табиий газ учун ҳисоб-китоб ишларига доир тезкор маълумотлар билан танишаётим, бу муаммо нафақат газ қазиб олиш ва уни истеъмолчиларга етказиб беришнинг барқарор ривожлантириш, балки ислохотларни бир маромда давом эттириш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш дастурини босқичма-босқич амалга ошириш йўлидаги сый-ҳаракатларга ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлигини аниқ тасаввур қилдик.

— Дарҳақиқат, бу борада бирмунча иш қилишимиз керак, — деди **корхона директори ўринбосари Баҳодир Ваҳобов**. — Аҳоли ва улгуржи истеъмолчилар орасида фойдаланилган табиий газ учун вақтида ҳисоб-китоб қилишнинг мамлакатимиздаги молия-иқтисодий ҳолатларни яна ҳам яхшилашда нечоғлиқ муҳимлигини тушуниб етмаётганлар бор.

Истеъмолчиларнинг вилоятдаги умумий қардорлигини камайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўта муҳим устуворликларига мувофиқ 2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сийсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги молиявий юкни янада энгиллаштиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтириш ҳамда харид қобилиятини оширишга, солиқ мазмуриятчилигини соддалаштиришга ва тақомиллаштиришга қаратилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкни энгиллаштиришнинг ободончилиги ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда фойда солигининг базавий ставкасини камайтириш орқали амалдаги ошириш назарда тутилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини рағбатлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг мабул базавий ставкаси белгиланмоқда. Тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ миқдорларини бирхиллаштириш яқка тартибдаги тadbиркорларга солиқ солишини мақбуллаштириш борасидаги чора-тadbирлардан бири бўлади. Келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджетидан фойда солиғи бўйича амалдаги имтиёزلарни бирхиллаштириш ҳам тақлиф этилмоқда.

Масалан, юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган базавий солиқ ставкасининг амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга камайтирилиши ҳисоб-китобларга кўра 2010 йилда

хўжалик юритувчи субъектлар тасарруфида 52 миллиард сўмдан зиёд маблағ қолдириш имкониятини бериб, бу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашни тезлаштириш имкониятини беради. Хўжаликнинг савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокама сийсатида барча сийсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидлашдики, келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджетидан сийсат жиҳатида халқаро стандартларга жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорда харидорнинг бўлган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашни жаддалаштириш орқали таркибий ўзгаришларни ва иқтисодий диверсификация қилишни давом эттириш назарда тутилган.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг харажатлар қисмида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларини 2010 йилда 2009 йилдаги 55,6 фоиздан 59,1 фоизга ошириш назарда тутилмоқда, бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,5 фоизни ташкил этади. Унда соғлиқни сақлаш, таълим тизимини, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг молиялаштириш ҳажминини кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларни ошириш назарда тутилган. Халқ турмушини яхшилаш мақсадида келгуси йилда солиқ солишининг биринчи шкаласи бўйича жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солигининг ставкаси 12 фоиздан 11 фоизгача камайтирилади. Бунда солиқ солинадиган даромадни олий ўқув юртларида таъ-

лим олиш учун тўланадиган, шунингдек, фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғириб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағлар суммасига камайтириш тарзидаги қўшимча имтиёزلар жорий этиш назарда тутилмоқда. Ушбу имтиёزلарнинг қўлланилиши эвазига жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ юки камайиб, 2010 йилда қарийб 102 миллиард сўм мамлакатнинг иш билан банд аҳолиси тасарруфида қолади.

Мамлакатимизнинг келгуси йилги Давлат бюджетидан янги умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хўнара коллежлари қуриш, ўсиб келаётган авлоднинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Хусусан, ёш спортчилар тайёрлашга катта аҳамият берилган ҳолда, олимпия захиралари коллежларида ўқийтган кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни 2010 йил сентябидан эътиборан бепул овқатлантиришни жорий этиш тақлиф қилинмоқда.

Шундай қилиб, солиқ ва бюджет сийсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, 2010 йилга мўлжалланган Давлат бюджетидан фойдаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислоом Каримов томонидан илгари сурилган республикани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга оид стратегик дастурнинг, аҳоли фаровонлигини изчил ошириб боришнинг устувор йўналишларига тўлиқ мос келади.

Муҳокама давомида баён этилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилдилар.

(ЎЗА)

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Семинар-кенгашда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловнинг демократик тамойиллар, амалдаги қонунчилик нормалари ва талаблари асосида адолатли, очик ва ошкора ўтказилишини таъминлашдан иборат экани алоҳида қайд этилди. Таъкидландики, улар ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан миллий қонунчилик талабларига қатъий амал қилиниши, барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг мустақиллиги ва қонун асосида фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалаларга доимий эътибор қаратишлари лозим.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 126-Темир йўлчилар сайлов округида бўлиб, округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишдилар. Округ сайлов комиссияси раиси Т.Жалилов сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб берди. Комиссия барча зарур

техника воситалари, жумладан, Интернетга уланган компьютерлар, телефон, факс, нурха кўчириш аппаратларига эга. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар тўпламлари, бошқа ҳужуқий адабиётлар мавжуд. Стендларда сайлов округи ҳудудида жойлашган сайлов участкалари ҳақидаги маълумотлар акс этган.

— Бўлажак сайлов жамиятини янада демократлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади, — дейди семинар қатнашчиси, 12-Шаҳрихон округ сайлов комиссияси раиси А.Тошбоев (Андихон вилояти). — Бўлажак сайловни қонун талаблари асосида очик, ошкора ва адолатли ташкил этишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланган. Ушбу семинар-кенгаш сайловни юқори демократик савияда ўтказиш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда «Сайлов комиссияларининг давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ долзарб вазифалари», «Сайлов: миллий қонунчилик, халқаро стандартлар ва хорижий таъриба», «Жамиятни янгилаш

ва демократлаштириш шароитида сайлов қонунчилигининг тақомиллашуви», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш», «Сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишда очиклик ва ошқоралик тамойиллари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Баҳс-мунозаралар жараёнида округ сайлов комиссиялари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари ўзларини қизиқтирган барча масалалар, жумладан, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, участка сайлов комиссияларини ташкил этиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш, сайловолди ташвиқоти жараёнида тенглик тамойилларига амал қилиш, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш тартиби, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш қондалари ҳақидаги барча масалаларга батафсил жавоб олдилар.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

## ТАҲРИРИЯТДАН:

Ўзбекистонимиз кўпдан-кўп ер ости бойликлари қатори катта газ захирасига ҳам эга. Бироқ, уни қазиб олиш, қайта ишлаш, истеъмолчига етказиб бергунга қадар қанчадан-қанча меҳнат, маблағ керак бўлади. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, хонадонимизда ловуллаб ёниб турган газ қаердан, қандай машаққатлар билан етказиб келинмоқда? Бунга қанча сарф-харажат кетаяпти?

Халқимизда олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деган мақол бор. Назаримизда, газ ишлаб чиқариш, таъминоти бўйича қилинаётган сарф-харажатларнинг катта қисми давлат бюджети ҳисобидан қопланаётгани, фуқаролар ва корхоналар унинг бир қисмининггина тўлаётгани учунми, газнинг қадрига ҳамма ҳам етмаяпти.

Айрим жойларда газ ҳақини вақтида тўламаслик, газдан ноқонуний фойдаланиш, исрофгарчилик, талон-тороғчилик ҳамон давом этмоқда. Айниқса, қиш мавсумида газ плиталарини куну тун ёқиб қўйиш, иссиқхоналар, новвойхоналар, устaxonаларда газдан ўғринча фойдаланиш авж олади. Ён-атрофимизда газдан ноқонуний фойдаланаётганларни кўрсак ҳам индамай кетаверамиз. Газ босими пайсаяс, узилишлар бўлса, дарров нолиймиз, шикоятлар қиламиз. Айбни ўзимиздан эмас, бошқалардан излаймиз.

Айримлар хаёлида бу газ дегани битмас-туганмас бир хазина. Гўё газ қониға қувур улаб қўйилгану ўзидан ўзи оқиб келяпти. Тўлов масъулияти ва маданиятининг ҳамма жойда ҳам қониқарли эмаслиги кишини ўйга толдиради. Бу борада тегишли идоралар тарғибот-ташвиқот ишларини қайта кўриб чиқишлари зарурга ўхшайди. Одамлар газ умумий бойлигини экани, уни қизиб олиш, қайта ишлаш, таъминотчиға етказиб бериш жараёнидаги захматли меҳнат, сарф-харажатдан чуқурроқ хабардор бўлса, бу неъматнинг қадрига етади, уни асраб-авайлаб ишлатишга ҳаракат қилади.

Биргина мақолада бу муаммонинг барча қирралари ҳақида тўхталиш қийин, албатта. Устиға-устак бизнинг мулоҳазаларимизга ҳамма ҳам қўшилмаслиги мумкин. Шу боис, соҳа мутасаддилари, газетхонларимиз фикр ва тақлифларини кутамиз.

— Газдан ноқонуний фойдаланиш, талон-тороғчилик, газ ҳақини тўлашдаги масъулиятсизлик сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Газдан тежаб-терғаб, исрофгарчиликка йўл қўймай фойдаланиш, бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, унга халқимизнинг умумбойлиги сифатида қараш туйғусини ошириш учун нима қилмоқ керак?

3

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини янада яхшилаш, қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид Президент қарори қабул қилиниши халқимиз дилидаги орзуларнинг ижобатига хизмат қилмоқда.

ти билан таъминланиши кўзда тутилган. Ҳатто хоналарга сунъий йўлдош орқали телекурсаулар қабул қилиш кабеллари ҳам етказилади, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси мутахассиси А.Шокиров. — Бирин-

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ

— Умр бўйи қишлоқда яшайман, — дейди меҳнат фахрийси Умарали Валиев. — Ҳаётимдан нолмайман. Лекин негадир биз шу пайтгача уларни тартибсиз, аниқроғи лойиҳасиз қурдик. Болалар хонаси, уй ичида ошхона, ҳаммом каби ҳаётий зарур масалаларга эътибор бермадик. Бизга шуниси ҳам бўлаверди, дедик. Лекин Юртбошимиз қабул қилган қарор асосида қишлоқларда замонавий лойиҳалар асосида уйлар қурилишини эшитиб қувониб кетдик.

Кеча Фарғона шаҳрида тантанали сурада очилган ва уч кун давом этган Қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослашган минтақавий кўргазмасига ташриф буюрган Умарали ота ва у каби қишлоқ фаолларининг фикри яқдил.

Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари мутахассислари тайёрлаган қишлоқ уйларининг намунавий лойиҳалари кўргазмадан жой олган.

— Мақсадимиз яқка тартибдаги уй-жойлар намунавий лойиҳалари билан аҳолини таништириш, бу борда коммунал хизмат идоралари мутахассислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ўзаро фикр алмашишидир, — дейди Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Раҳимов.

Шу кунларда мазкур қарорга асосан Фарғона вилояти-



нинг Фарғона ва Ўзбекистон туманларида қишлоқ аҳолиси буюртмаси билан янги лойиҳалар асосида 40 та уй-жой қуриш ишлари бошлаб юборилди. 2010 йилда эса қолган барча туманларда жами 710 та шу каби замонавий уйлар қурилиши режалаштирилган.

— Кўргазмада таклиф этилаётган ҳар бир намунавий лойиҳада уйлар кўркам, мустаҳкам деворбоп материалдан қад кўтариши, газ, оқова сув, электр қувва-

қишлоқ ёшлари интернет тармоғига кириши учун телефон тизими ҳам лойиҳалаштирилган. Қишлоқ кўчалари асфальтланади, уйлар оралиғи тунда ёритилади, табиий суғориш ариқлари, бозорча, мини маркет, машиный хизмат шохобчалари, қўйингки, барча инфратузилмалар янги қишлоқ лойиҳасидан жой олган.

Кўргазма иштирокчилари улкан макетларда ифодаланган намунавий лойиҳаларни кўриб, улардан ўзларига мо-

чи бадал уй нархининг 25 фоизи миқдорига тўланади. Дастлабки олти ойда ҳеч қандай тўлов йўқ. Шундан кейингина 15 йил давомида уйнинг қолган қийматини тақсимланган улушда тўлаб борилади.

2009-2010 йилларда биргина Фарғона вилояти қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этиладиган янги уй-жойлар учун 65 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилиши лозим. Бу ўз

навбатига вилоятда қурилиш индустрияси саноятини янада жонлантиришни тақозо этади. Ҳозир еттига туманда йилга 300 мингдан 1 миллион донагача пишиқ гишт ишлаб чиқариладиган кичик заводлар фаолият кўрсатмоқда. Томёкчи черепица корхоналарининг қуввати ҳам эътибонга олинади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олин сура

Европа Иттифоқи:

СИЁСИЙ ТАНГЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

аммо яна навбатдан ташқари саммит чакириладиган бўлди

Маълумки, ўтган ҳафта охирида, аниқроғи, 29-30 октябрь кунлари Брюсселда Европа Иттифоқининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда бир неча йилдан бери давом этиб келатган сиёсий тортишувларга ниҳоят барҳам берилди.

Аслида Европа Иттифоқида сиёсий тортишувларнинг авж олиши, ҳатто боши берк кўчага кириб қолиши ва сиёсий танглик ҳолатининг вуқудга келиши янгилик эмас. Мазкур ташкилот 1950 йилда ташкил топган бўлса, ярим асрдан кўп тарихи давомида унга аъзо давлатларнинг турли сиёсий қарашлари натижасида юзага келган баҳсли вазиятлар, ҳатто айтиш мумкин, мураккаб ҳолатлар бир неча бор қайд этилган.

Бунга 2003 йилнинг 12-13 декабрида ташкилотга «эски аъзо» 15 та ва 2004 йил май, ойдан аъзо бўлиб кириши режалаштирилган 10 та давлат вакиллари иштирокида Брюсселда бўлиб ўтган Европа Иттифоқининг навбатдаги саммитида юзага келган сиёсий тортишувларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушунда Франциянинг собиқ президенти Валери Жискар д'Эстен бошчилигида ишлаб чиқилган Европа Иттифоқининг ягона Конституцияси лойиҳаси мазкур саммитда қабул қилиниши режалаштирилган бўлишига қарамай, қабул қилинмади. Айниқса, бундай сиёсий «можаро»лар 2004 йилдан кейин, яъни ташкилот тарихи 10 та янги аъзо давлатлар ҳисобига кенгайганидан сўнг янада авж олди.

Улар уч ҳолатда бир тўхтама кела олмагандилар: ягона Конституцияга кўра, Европа Иттифоқининг олий органида овоз бериш ҳуқуқининг ўзгариши; Европа Иттифоқининг асосий сиёсий масалалари бўйича миллий вето ҳуқуқининг чекланганлиги; Еврокомиссия таркибига аъзолик борасида. 2000 йилги Ницца саммитида қабул қилинган тартибга кўра, «кучли» давлатлар кўпроқ овоз бериш ҳуқуқига эга эди. Ягона Конституция лойиҳаси эса бу тартибни мамлакатлар аҳолиси сонига қараб ўзгартиришни назарда тутган эди. Бу эса айрим «кучли» давлатларга ёқмади. Ва Европа Иттифоқининг бошқарув институтини

ислоҳ қилиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан бошланган бу иш тинимсиз тортишувлардан сўнг «барбод» бўлди. Аниқроғи, Конституцияни ташкилотга аъзо 10 та давлатга ратификация қилди. 2005 йилда Франция ва Нидерландияда ўтказилган референдумда унга қарши овоз берилган, уни овозга қўйиш масаласи «музлатилди».

Икки йил деганда Европа Иттифоқи раҳбарияти бу боши берк кўчадан чиқилишни янгилик қилди. Уни ташкилотга аъзо давлатлар томонидан ратификация қилиш жараёни 2007 йилда бошланган бўлса, ўтган йили ёзда Ирландияда ўтказилган референдумдан сўнг бу сиёсий масала яна боши берк кўчага кириб қолди. Ниҳоят жорий йил сентябрида Ирландияга сиёсий кафолатлар берилган, референдумда халқ шартномани ёқлаб овоз берди. Шундан сўнг Польша парламенти ҳам айрим сиёсий кафолатлар эвазига шартномани ратификация қилди.

Шундай қилиб, Европа Иттифоқида аъзо 27 та давлатдан 26 таси жорий йил октябрь ойининг иккинчи декадасигача уни расмий имзолади. Аммо Чехия президентининг уни имзоламай оёқ тираб туриб олиши бу бордаги вазиятни яна танг аҳволда қолдириб қўйди. Негаки, 29-30 октябрь кунлари Брюсселда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи саммитига «Лиссабон шартномаси»ни ташкилотга аъзо 27 давлат миллий парламентлари ратификация қилиши ва ушбу давлатлар раҳбарлари томонидан имзоланиши, саммитда уни расмий қабул қилиш лозим эди.

Бироқ бундай бўлмади. Саммитнинг қизгин тортишувлари жараёнида Чехияга ён босилди. Ваҳоланки, бир ҳафта аввал Европа Иттифоқи агар Чехия шартномани шу турида имзоласан, Еврокомиссиядаги вакиллик ўрнидан маҳрум бўлиши ҳақида оғохланган ва «ультиматум» эълон қилган эди. Бироқ Чехия ўз талабидан қайтмади. Саммитда Чехия қўйган талабга — иккинчи жаҳон урушидан кейин Чехия ҳудудидан қувилган немислар ўша пайтда мусодара қилинган мол-мулкларни қайтарилишини та-

лаб қилмайдиган даражада сиёсий кафолатлар берилишига розилик билдириди.

Шу кўйи сиёсий танглик бартараф этилди гўё.

«Гўё» жумласини ишлатишимизга сабаб ҳали Чехия Конституциявий суди шартнома талаблари мамлакат қонунчилигига мувофиқ келиши ёки келмаслигини кўриб чиқиши ва бугундан кечикмай бу ҳақда Европа Иттифоқини хабардор қилиши лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, 29-30 октябрь кунлари бўлиб ўтган саммит иштирокчиларининг аксарияти ниҳоят шартнома Чехия президенти Вацлав Клаус томонидан имзоланишига ишонч билдирмоқда. Чунки В. Клауснинг ўзи ҳам Чехияга берилган сиёсий кафолатлардан мамнун эканлигини билдирди.

Яна бир гап. Айнан Чехия шартномани ратификация қилмагани учун ҳам саммит кун тартибига киритилмаган масалалар ўзгариб кетди. Яъни янги жорий этиладиган Европа Иттифоқи президенти ва ташқи ишлар вазири лавозимлари учун номзодларни кўриб чиқиш ҳам шу саммит кун тартибига киритиш режалаштирилган эди. Лекин бу масала ортга сурилди. Шунингдек, Европа Иттифоқининг кўпгина мансабдорлари ваколат муддати 31 октябрда тугаган. Бу вазифаларга янги номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳам саммитда қўрилмади.

Энди бу масалаларни муҳокама қилиб, бир тўхтама келиш ва қарор қабул қилиш учун 11-12 ноябрь кунлари Брюсселда бўлиб ўтиши тахмин қилинаётган навбатдан ташқари саммит чакирилмаган бўлди. Шундай қилиб, 2010 йил 1 январдан эътиборан «Лиссабон шартномаси» кучга кирди.

Дарвоқе, саммит кун тартибига яна бир масала — сайберамизда иқлим ўзгаришларининг олдини олиш юзасидан бир тўхтама келиш масаласи муҳокама этилди. Жорий йил декабрида Копенгагада БМТ шафелигида иқлимни муҳофаза қилиш юзасидан бўлиб ўтadиган халқаро конференция олтидан экология соҳаси бўйича ягона ҳужжат меъёрлари кўриб чиқилди ва қабул қилинди. Бу 2012 йилда амал қилиш муддати тугайдиган Киото протоколи ўрнини босади.

Алимқул СУЛТОНОВ, шарҳловчи

Биз ва жаҳон

МИСР КУТУБХОНАЛАРИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг ахборот-ресурс маркази директори Қаршига Науризбаева Миср пойтахти Қоҳирада кутубхона ишлари бўйича ташкил этилган халқаро семинарда иштирок этиб қайтди

— Ушбу илмий-амалий анжуман икки ҳафта давом этди, — дейди у. — Дастлаб Миср миллий тадқиқот институти-да соҳа мутахассислари кутубхоналарининг ривожланиш босқичи, дастурий кутубхона, адабиёт библиографияси, китоб ва ҳужжатларни қайта ишлаш, уларни индикциялаш ҳамда автоматлаштириш, шунингдек, интернетда электрон кутубхонадан фойдаланиш, масофали таълим ва муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида маърузалар қилди. Хусусан, Қоҳира университети филология факультети кутубхоначилик кафедраси профессори Абдусаттор Элхаммернинг қадимий китоблар тўғрисидаги маърузаси барчага бирдек манзур бўлди.

Бундан ташқари, Мисрдаги миллий ҳамда кўлэма китоблар музейида бўлиб, ёғоч, папирус, пергамент ва матога ёзилган қадимий адабиёт намуналарини кўришга муваффақ бўлдик.

Конференция давомида бу ердаги кўплаб маърифат масканлари фаолияти билан танишдик. Уларда китобхоналар учун барча қулайликлар яратилган. Айниқса, Александрия шаҳрида жойлашган тарихий кутубхона менда катта таассурот қолдирди.

Ун бир қаватдан иборат бўлган ушбу гўзал иншоот 1807 йилда норвегиялик меъмورларнинг «Самовий доира» номли лойиҳасига асосан қурилган экан. Унинг 1-4-қаватларида 8 миллион номдаги китоб захираси сақланса, қолганларида юздан зиёд киротхоналар, 330 та компьютер жойлаштирилган электрон каталог ва интернет бўлими фаолият юритади. Бу ерда 2000 нафарга яқин ходим ҳар куни минглаб китобхоналарга хизмат кўрсатишини айтишди. Эътиборлиси, кутубхонанинг ёнида мўъжазгина музей ташкил қилинган бўлиб, унда қадимий, нодир адабиётлар хазинаси ўрин олган. Хусусан, 21 жилдик «Миср йил-

номаси», қадимий «Куръони карим» ва кичик миниатюра китоблар шулар жумласидан.

Мисрдаги яна бир йирик кутубхона Қоҳира университетиде жойлашган. Унинг фондида араб ва бошқа тиллардаги кўплаб нодир китоблар жамланган. Диссертациялар бўлимида нафақат Миср, балки бошқа мамлакатларда ҳимоя қилинган илмий ишлар ҳам сақланади. Киротхоналарда 1800-2000 нафар ўқувчи интернет ҳамда электрон каталог, газета ва журналлар сайтларидан фойдаланиши мумкин. Ҳатто, кўзи оғирлар учун ҳам махсус компьютерлар ўрнатилган. Шунингдек, бу ерда панорама зали бўлиб, унда қадимги Миср ва кутубхоналар тарихига оид фильмларни кўрдик.

Миллат маънавиятининг юксалишида кутубхоналарнинг ўрни беқиёс. Улар қадим даврлардан жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келган. Илк кутубхоналар милотдан аввалги VII аср ўрталарида Миср, Бобил, Юнонистон ва Римда сарой ибодатхоналари қошида ташкил этилган. Бу кутубхоналарда асосан пальма барглари, папирус ва кейинроқ пергамент, яъни териға битилган китоблар сақланган. Айниқса, Миср кутубхоналари нодир китобларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турган.

Мустақиллик йилларида юртимиз кутубхоналарида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилди. Ахборот-ресурс марказларига замонавий технологиялар, интернет ҳамда электрон каталоглар ўрнатилди. Ушбу соҳа фидойилари ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва тажриба алмашиш мақсадида хорижга бориб келишмоқда. Бу республикада ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Рейнмбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ГУЛБУЛОҚ» ГОЛИБ БЎЛДИ

Гулбулоқ — тоғли Бахмал туманидаги ўнлаб қишлоқларнинг биттаси. Аммо чекка шу қишлоқда аҳолига кўрсатилмаётган коммунал ва сервис хизматлари савияси унча-мунча шаҳарлардагидек қолишмайди. Шунинг учун ҳам Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ўтказилаётган «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловининг вилоят босқичида иштирок этган 36 та қишлоқлар орасида Гулбулоқ голиб бўлди ва у республика танловига йўланма олди. Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«ЎЗЭЛЕКТРТАРМОҚ» УҚ ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ МЭТ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Table with 5 columns: T/p, Иншоот номи, Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚКС билан) минг сўм, Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚКСсиз) минг сўм, Қурилиш муддати

Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй. Тел: (8-366) 233-06-60, факс: 233-35-63.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган

қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинмади. Савдода қатнашши ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шаклланти-

риш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муносабат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шoҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51. Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 60000 сўм. Таклифлар (оферталар) танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишининг охири муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Бухоро шаҳри, Навоий шoҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада ўтказилади.

# СОҒЛОМ ҲАЁТ - СОҒЛОМ ЗУРРИЁТ

## Оила бахти фарзандда

Ёш оила фарзанд туғилишини сабрсизлик билан кутди. Ниҳоят, чақалоқ дунёга келди. Бироқ ота-онанинг қувончи узоққа бормади. Боланинг ўсиши яхши эмас эди, тўрт ойлигида ҳам бошини тута олмасди. Шифокор текшируви боланинг жисмоний ва руҳий ривожланишида орқада қолаётганини тасдиқлади. Бола олти ойлигида «шайтонлай» бошлади. У ҳали ҳам онасини танимасди, барча нарсага бейфарқ, яхши эма олмасди, боши эса катталашиб борарди.

Болага нима бўлган? Ахир ота-онаси соғлом.

— Вино, ароқ ичиб тура-сизми? — деб сўради шифокор.

— Бусиз дўстлар давраси бўлиши мумкинми?! — деди ота. — Ҳар кун эмас, дам олиш кунлари, баъзи пайтларда танишлар билан йиғилишиб «юзта-юзта отамиз».

— Хотинингиз ҳам ичадими?

— Ҳа, хотиним ҳам давралардан қолмайди. 3-4 қада олади.

Норасо фарзанднинг туғилиши сабаби мана нима экан. Илк давридаёқ алкоғоль таъсир этган. Ҳомилдорлик пайтида алкоғоль заҳари тўхтовсиз тарзда унга ўтган. Аста-секинлик билан моддалар алмашинуви издан чиққан. Ривожланиш бузилган. На-тижада касалванд бола дунёга келган.

Афсуски, бундай кўнгилсиз ҳолатлар ҳаётда учрайди. Масалан, Слар оиласида тўнғич фарзанд



қаттиқ танглай ёриғи — «бўри танглай» билан, Н.лар оиласида гилайлик билан, Я.лар оиласида иккинчи фарзанд мия чурраси ва чап қўли уч бармоқ билан туғилган. Маълум бўлишича, бу чақалоқларнинг оналари ҳомилдорлик даврида спиртли ичимликлардан ўзларини тийишмаган.

Баъзан соғлом турмуш тарзига амал қилмаган оилаларда бундан-да кўр-кинчли, ҳаётга мослашиб кета олмайдиган касалванд (масалан, гидроцефалия — бош мия истисқоси, анэнцефалия — бош миянинг йўқлиги ёки кичкина ривожланмаган мия) болалар туғилиши учраб туради.

Оилада соғлом фарзанд туғилиши, аввало, ота-она-

родуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғта етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» ги қароридан кейин бу бордаги иш режаларни қайта кўриб чиқиш, уни қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар жиҳатдан тўлдириш. Эндилкида шу режа асосида Чирчиқ шаҳар «Саломатлик маркази» ходимлари ҳам давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда жойларда ўтказилаётган учрашуларда кашандалик, ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг зурриётга салбий таъсири ва қариндош-уруғчилик ришталари орқали қурилган оилаларда носоғлом болалар туғилиши эҳтимоли борлиги ҳам илмий, ҳам ҳаётий мисоллар билан тушунтириб борилмоқда.

Соғлом фарзанднинг дунёга келиши, унинг баркамол воғта етиши оиланинг ҳам, давлатимизнинг ҳам бахти. Шундай бахтиёр дамларга мушарраф бўлиш нафақат соғлом турмуш тарзи тарғиботчиларига, балки барчамизга боғлиқ.

**Қаршиқон ХОЛХУЖАЕВ,**  
Чирчиқ шаҳар  
«Саломатлик маркази»  
раҳбари, тиббиёт  
фанлари номзоди.

## СПОРТ SPORT СПОРТ



## СОВРИНДОРЛАР АНИҚ...

Яна икки турдан сўнг футбол бўйича мамлакат XVIII миллий чемпионати олий лига жамоалари баҳслари ниҳоясига етади

Йигирма саккизинчи турдан жой олган «Локомотив» — «Пахтакор» жамоалари ўйинида ақсарият мухлислар пахтакорчиларнинг имкониятини юқори баҳолашган. Аммо бу ўйинда дуранг натижа қайд этилди — 2:2. Иккинчи давра учрашуларини муваффақиятли ўтказиб «Андижон» жамоаси ўз майдонидаги охириги ўйинда Қаршининг «Насоф» футболчилари билан куч синашди. Унда мезонлар икки бор ҳисобда олдинга чиқиб олшган бўлса-лар-да, галабани ўз қўлларидан сақлаб қола олмади — 2:2.

Бу йилги мавсумда чемпионат совринли ўринларидан умидларини узган Фаргонанинг «Нефтчи» футболчилари пойтахтда «Бунёдкор» жамоаси меҳмони бўлишди. Ушбу баҳсда муддатидан илгари мамлакат чемпионлигини қўлга киритган мезонлар фарғоналиклар дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўллашди — 5:0.

Шу тур ўйинлари миллий чемпионат голиб ва совриндорлари номига оидлик киритди. Лекин олий лигани тарқ этадиган жамоалар охириги турда аниқланадиган бўлди. Чунки, мавсум аутсайдерлари «ро» ҳамда «Металлург» жамоалари сўнгги ўйинда зафар кучишди. Бухороликлар ўз майдонларида «Навбахор» футболчилари устидан йирик 3:0 ҳисобида галаба қозонган бўлишса, бекободликлар эса сафарда «Шўртан» жамоасини 1:0 ҳисобида ютишди.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Олмалик» — «Сўғдийна» — 3:0, «Машъал» — «Қизилқум» — 6:1, «Хоразм» — «Динамо» — 3:1.

**Эркин ХОЛБОБО**

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Asliddin RUSTAMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'affer HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Svetlana GERASIMOVA  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ  
DEMOKRATIK PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45,  
(Tel. Faks) 233-21-43  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36,  
233-44-55  
Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55,  
233-47-80  
Mas'ul kotib 233-72-83,  
236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 223-06-02  
Gulistonda — 25-46-45  
Jizzaxda — 227-48-35  
Navoiyda — 223-83-73  
Namanganda — 226-43-43  
Nukusda — 222-77-21  
Samarqandda — 35-02-55  
Urganchda — 517-30-58  
Farg'onada — 224-18-78  
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,  
MATBUOTCHILAR  
KO'CHASI, 32-UY.  
e-mail:  
info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049

8230 nusxada bosildi

Т — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 22.10

Topshirilgan vaqti — 23.20

1 3 4 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda

## Таълим ва ислохот



## МУАЛЛИМ МЕҲНАТИ МЕВАЛАРИ

Денов туманида бугун 91 та умумий ўрта таълим, 4 та ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати, футбол ва санаторий мактаб-интернати, 57 та мактабгача ҳамда 10 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорига асосан ўтган ўқув йилида тумандаги 840 нафар ўқитувчи касб маҳорати, 800 нафарга яқини эса синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлари учун рағбатлантирилган. 450 нафар мураббий ҳар иккала йўналиш бўйича устамалар олган. Тизимда турли унвонлар ҳамда орден ва медалларга сазовор бўлган фидойи муаллимлар ўқувчиларга таълим-тарбия беришмоқда.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури доирасида талай даргоҳларда капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Яратилган имкониятлар тўғрисида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси А.Рибина, 17-ихтисослаштирилган мактаб-ин-

тернати тарбияланувчиси Ф.Абдурахмонов, 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси А.Абдуназаровлар турли фан йўналишлари бўйича вилоят олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этган бўлса, 17-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернат битирувчиси Фазлиддин Алиёров ҳуқуқшунослик фанидан республикада 3-ўринни қўлга киритди. Айни кунларда у Тошкент давлат юридик институтда тахсил олмоқда.

— Деновлик муаллимлар вилоятимизда ўз нуфузига

эга, — дейди Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Алишер Менглиев. — Мана, тўрт йилдири Денов ХТБ барча соҳалар бўйича ўтказилаётган мониторингларда 1-ўринни эгаллаб келмоқда. 50-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Сайёра Жўраева, 74- умумий ўрта таълим мактаби рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ольга Петрова ҳамда 17-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатнинг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Дилором Ёқубовалар «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

Ўзбекистон Кўзи ожизлар марказий бошқаруви жамоаси узоқ йиллар мобайнида жамият тизимида фаол меҳнат қилиб келаётган ЎзКОЖ раиси **Абдуқошом Абдунабиевичи** 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклаб, сийҳат-саломатлиги ва узоқ умр тилайди.



## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газета — аввало, ахборот манбаи, билимни бойитиш, дунёдан огоҳ бўлиш воситаси, инсонини ойдин манзилларга бошловчи маёқ... Фақат шуларгина эмас, албатта. Газета — ҳаётда энг садоқатли дўст, фикрдош ва мададкор. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ижодий ходимлари ушбу тамойилларга амал қилишга интилиб келишмоқда.

### Азиз газетхон!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК барча бўлимларида 2010 йил учун газеталаримизга обуна қабул қилинапти. Обунани ўз вақтида расмийлаштирсангиз бўлди, газеталаримиз уйингизга, иш-хонангизга ўзи кириб бораверади.



**Обуна — 2010**  
«Ўзбекистон овози» газетасининг обуна индекси — 220.  
«Голос Узбекистана» газетасининг обуна индекси — 120.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

## БУХОРО ВИЛОЯТ 3-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР «ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ» МАХСУС ФУТБОЛ МАКТАБИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Бухоро шаҳридаги Пиридастгир кўчасида жойлашган 3-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар «Олимпия захиралари» махсус футбол мактаби ҳудудида маъмурий бино қурилиши» Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 550652908 сўм, ҚҚСсиз — 458877424 сўм.

Қурилиш муддати — 4 ой. Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Футболни кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Пиридастгир кўчаси, 9-уй. Тел: 222-96-41.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз мик-

дориде айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх референциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва тан-

лов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хонада ўтказилади.